IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 21 Issue 2 May 2026

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎРГАНИЛГАН ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Абдуваҳобов Ҳусниддин Абдулхамид ўғли
Мустақил тадқиқотчи
abduvahobovhusniddin99@gmail.com
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20250294

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада демографик жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида Япония ва Хитойнинг хорижий тажрибалари қиёсий таҳлил қилинади. Тадқиқот кексалар сонининг ортиши, ички миграциянинг номутаносиб ўсиши, ажримлар кўпайиши натижасида туғилишнинг камайиши ва ёлғиз оилалар сонининг ошиши каби Ўзбекистон олдида турган муаммоларга ечим излаш заруратидан келиб чиқади.

Калит сўзлар: демографик жараёнлар, хорижий тажриба, туғилиш коэффициенти, демографик инқироз, пронаталистик сиёсат, болалар нафақаси, бир фарзанд сиёсати, демографик бошқарув.

ABSTRACT

This article provides a comparative analysis of the experiences of Japan and China in order to improve the management system for demographic processes. The research stems from the need to find solutions to the problems facing Uzbekistan, such as an aging population, a disproportionate increase in internal migration, a declining birth rate due to a rise in divorces, and an increase in the number of single-parent households.

Keywords*:* demographic processes, foreign experience, fertility rate, demographic crisis, pro-natalist policy, child benefits, one-child policy, demographic management.

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье проводится сравнительный анализ зарубежного опыта Японии и Китая в целях совершенствования системы управления демографическими процессами. Исследование обусловлено необходимостью поиска решений таких стоящих перед Узбекистаном проблем, как рост численности пожилых людей, диспропорциональный рост внутренней миграции, снижение рождаемости вследствие увеличения числа разводов и рост числа неполных семей.

Ключевые слова: демографические процессы, зарубежный опыт, коэффициент рождаемости, демографический кризис, пронаталистская политика, детское пособие, политика одного ребенка, демографическое управление.

КИРИШ

Демографик жараёнларга таъсир қилувчи омиллардан бири бўлган кексалар сонининг ортиши тенденцияси кузатилаётгани, демографик кексайиш жараёнининг бошланиш бўсағасида турганлигимиз, ички миграциянинг номутаносиб тарзда ўсиши ортидан вужудга келаётган ва келиши мумкин бўлган муаммолар, ажримлар сонининг ортиши натижасида юзага келиши мумкин бўлган туғилишнинг камайиши, ёлғиз оилалар сони кўпайиши, болалар тарбиясидаги деструктив ўзгаришлар каби муаммоларга айнан тўқнаш келган ва бу муаммоларни бартараф қилишда ижобий ечимлар топган давлатларнинг тажрибалари намуна сифатида ўрганиб чиқилди.

Демографик жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштиришда Япония тажрибаси

Япония бугунги кунда жаҳондаги энг оғир демографик инқирозлардан бирини бошдан кечираётган давлат ҳисобланади. 2024 йил октябрь ҳолатига кўра, Япония кетма-кет ўн тўртинчи йил аҳоли сонининг камайишини қайд этди, йиллик қисқариш 898,000 кишини ташкил этиб, мамлакат тарихидаги энг катта кўрсаткичга айланди[1]. Goover 2023 йилда умумий туғилиш коэффициенти (TFR) 1,20 га тушди. Ушбу тенденция Япония тарихида қайд этилган энг паст кўрсаткич бўлиб, Токиода TFR биринчи марта 1,0 дан пастга - 0,99 га тушди[2]. Япониянинг миллий аҳоли ва ижтимоий таъминот тадқиқот институтининг прогнозига кўра, 2070 йилга бориб мамлакат аҳолиси 30% га камайиб 87 миллион кишига тушиши, меҳнатга лаёқатли аҳоли эса 2020 йилдаги 75 миллиондан 45 миллионга қисқариши кутилмоқда[3]. Ушбу демографик реалликни ўрганиш, Ўзбекистоннинг хусусиятлари жиҳатидан мутлақо фарқли вазиятга эга эканлиги сабабли, демографик бошқарув тизимини такомиллаштиришда қайси ёндашувлар самара бериши ва қайсилари чеклов касб этиши юзасидан муҳим методологик тажриба вазифасини бажаради.

Демографик инқирознинг таркибий илдизлари

1970 йилдаги 1000 кишига 10,0 дан 2019 йилдаги 4,8 га тушган никоҳ тезлиги туғилишни камайтирувчи асосий омил бўлиб, 2020 йилда 50 ёшгача ҳеч никоҳга кирмаган эркаклар улуши 28,4 %, аёлларда 17,8 %га етди[4]. Туғилишни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар 1990-йиллардан бошлаб амалга оширилган бўлса-да, улар никоҳни рағбатлантиришга ёки туғилишни бевосита кўпайтиришга йўналтирилмаган эди. 1994 йилдаги Қоҳира конференцияси қарорлари шундан кейин жаҳон тажрибасида туғилишга бевосита маъмурий аралашувдан воз кечилишига сабаб бўлди[5]. Халқаро авлюта фондининг таҳлилига кўра, туғилишни камайтирувчи асосий сабаблар кечроқ ва камроқ никоҳ, уй ишларида жинслар ўртасидаги катта тенгсизлик ва аёлларнинг ҳақ тўланмайдиган ишларга кўпроқ жалб этилиши, шунингдек аёлларнинг ноқонуний бандлик шаклларида меҳнат қилишидир[6].

Институционал бошқарув ислоҳоти: “Болалар ва оилалар агентлиги”

Япония демографик бошқарув тизимидаги энг муҳим институционал ислоҳот 2023 йил апрелида амалга оширилди. 2023 йил апрелида болалар сиёсатига тегишли барча ваколатларни мужассам этиш ва ягона мувофиқлаштириш мақсадида “Болалар ва оилалар агентлиги” ташкил этилди[7]. Бу ислоҳотнинг заруратини қуйидаги мисоллар орқали

---

[1] Analyzing Japan’s Ongoing Demographic Crisis: Record Population Decline and Bold Policy Responses https://seo.goover.ai/report/202505/go-public-report-en-02de8210-1584-4709-8395-589840e5624a-0-0.html мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[2] Japan’s Fertility Rate Drops to New Record Low https://www.nippon.com/en/japan-data/h02015/ мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[3] Funding the Policies to Boost Japan’s Birthrate https://www.tokyofoundation.org/research/detail.php?id=958 мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[4] Addressing demographic headwinds in Japan: A longterm perspective. https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2024/04/addressing-demographic-headwinds-in-japan-a-long-term-perspective_85b9a67f/96648955-en.pdf мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[5] Mechanisms of Japan’s Population Decline Unstoppable despite Countermeasures for Declining Birthrate. https://english-meiji.net/articles/4502/ мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[6] Japan’s Fertility: More Children Please. https://www.elibrary.imf.org/view/journals/002/2024/119/article-A002-en.xml мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[7] Evaluation of planned number of children, the well-being of the couple and associated factors in a prospective cohort in Yokohama (HAMA study): study protocol https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10900370/

тушунишимиз мумкин: илгари болалар ва оила сиёсатини ишлаб чиқиш ваколати турли вазирликлар ўртасида тарқоқлиги натижасида ягона идора ваколат доирасига тўлиқ тўғри келмайдиган туғилиш сиёсати масаласида идоралараро мувофиқлаштириш самарасиз бўлиб қолди[8]. Ушбу тажриба идоравий тарқоқликнинг демографик сиёсатни қандай чеклаши Ўзбекистон учун ҳам бевосита методологик аҳамиятга эга.

“Болалар келажаги стратегияси”

Бош вазир Кишида Фумио 2023 йил 13 июнда “Янги ўлчов” чора-тадбирларини эълон қилди. Ушбу чора-тадбирлар қуйидаги асосий мезонларга асосланади: *биринчиси,* болаларга берилаётган ойлик нафақаларни кенгайтириш, *иккинчиси,* туғруқ харажатларини ижтимоий суғурта тизимига киритиш, барча болалар учун боғча дастурини жорий этиш ва таътил нафақаларини ошириш. Болалар нафақаси тизими принципиал ўзгартирилди. Даромад чеклови бекор қилинди, нафақа олиш муддати ўрта мактаб битирувигача узайтирилди, учинчи ва кейинги ҳар бир фарзанд учун ойлик нафақа 30 000 иенага икки баравар оширилди, туғруқ нафақаси эса 420 000 иенадан 500 000 иенага кўтарилди. Ушбу “Болалар келажаги стратегияси” доирасида йиллик 3,5 триллион иена харажат режалаштирилган бўлиб, 2030 йил бошигача болалар хизматларига сарф-харажатларни икки баробарга ошириш мақсади қўйилган[9].

Иш ва оила мувозанатидаги ҳуқуқий ислоҳотлар

Эркаклар томонидан декрет таътили олишини рағбатлантириш мақсадида 2030 йилга бориб эркакларнинг 85 % декрет таътилига чиқиши мақсади белгиланди; ҳар иккала ота-она таътилга чиққан тақдирда нафақа ставкаси 80 % дан 100 %га оширилди, 1000 ва ундан ортиқ штатли ходими бўлган корхоналар учун декрет таътилидан фойдаланиш кўрсаткичларини ошкор эълон қилиш мажбурийлаштирилди[10]. 2025 йилда болаларни парваришлаш таътили ва тегишли кафолатлар тўғрисидаги қонунга тузатишлар кучга кириб, ходимларга иш ва бола тарбияси мувозанатини таъминлаш учун эгилувчан иш ва таътил шаклларини кенгайтирди.

Япония тажрибасининг методологик жиҳатдан энг қимматли жиҳати, уни самарадорлик нуқтаи назаридан холис баҳолаш имконини берган йиллар давомида тўпланган эмпирик маълумотлардир. Ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 1 %и, яъни 5 триллион иен атрофида маблағ сарфланишига қарамасдан, кутилаётган туғилиш коэффициентининг ошиши атиги 0,05–0,1 %ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. 2030 йилдан 2060 йилгача кумулятив аҳоли ортиши эса 900 000 – 1,8 миллион кишини ташкил этиши мумкин[11]. Халқаро валюта фондининг таҳлили шуни кўрсатадики, туғилишни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали чораси 0–2 ёшли болалар учун болалар боғчаси инфратузилмасини кенгайтириш ҳисобланади. Пул нафақаларининг оширилиши самарадорлиги эса халқаро тажрибада чекланган эканлиги кўрсатилган. Ямагучи ва бошқа тадқиқотчилар Японияда пул нафақаларининг туғилишга таъсири чекланган эканлигини,

---

мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[8] Policy-Oriented Understanding of Low Births: Why Cash Support Isn't Enough to Fix Japan's Low Birth Rate. https://www.scientificarchives.com/article/policy-oriented-understanding-of-low-births-why-cash-support-isnt-enough-to-fix-japans-low-birth-rate мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[9] Understanding Japan’s Demographic ‘Crisis’: An Alternative Perspective on Population Decline. https://earth.org/understanding-japans-demographic-crisis-an-alternative-perspective-on-population-decline/ мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[10] Policies supporting children and child-rearing. https://japan.kantei.go.jp/ongoingtopics/policies_kishida/childsupport.html мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[11] Japan’s Demographic Dilemma: Navigating the Postpandemic Population Decline. https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11301048/ мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

чунки бу нафақалар кўпроқ аёлларнинг иш фаолиятини қўллаб-қувватлашда самаралироқ бўлишини кўрсатган.

Демографик жараёнларни бошқариш тизимини такомиллаштиришда Хитой тажрибаси

Хитой демографик жараёнларни бошқариш тизимининг жаҳон тарихида ягона ва парадоксал тажрибасини намоён этади. Хитой тарихда биринчи марта туғилишни маъмурий куч билан кескин чеклаб, кейин ўша чекловларнинг оқибатини бартараф этиш учун туғилишни рағбатлантиришга ўтишга мажбур бўлди. Ушбу эволюция антинаталистик моделдан пронаталистик моделга ўтиш ҳозирда ўз самарасини кутмоқда.

Биринчи давр: “Бир оила – бир фарзанд” сиёсати (1979-2015)

Хитойнинг оилавий режалаштириш сиёсати 1970-йилларда ортиқча аҳолидан қўрқув туфайли шаклланган. 1980 йилда амалда ягона бир фарзанд чеклови жорий этилди ва 1982 йилда мамлакат Конституциясига киритилди[12]. Сиёсатнинг амалий механизмлари мажбурий хусусиятга эга бўлди. Ушбу мажбуриятларга бир фарзанд кўрган оилаларга соғлиқни сақлаш субсидиялари, нафақа жамғармалари ва дон нормаларини ошириш сингари рағбатлар берилди[13].

Сиёсатнинг демографик самараси ва ижтимоий оқибатлари қарама-қарши хусусият касб этди. Бир фарзанд сиёсатини амалга оширилиши натижасида Хитойнинг туғилиш коэффициенти 2015 йилга бориб аёл бошига 1,6 промиллега тушди ва барқарор аҳоли учун зарур бўлган 2,1 промилледан ҳам паст кўрсатгич қайд этилди[14]. Бунинг натижасида мажбурий аборт ва стерилизация ҳолатлари қайд этилди, ўғил боланинг қизга нисбатан афзаллиги туфайли жинслар нисбатида кескин тенгсизлик вужудга келди. 2021 йилга бориб Хитойда эркаклар ва айёллар ўртасидаги фарқ нисбати 30 миллиондан ошиб кетди.

Иккинчи давр: Икки фарзанд сиёсатига ўтиш (2016-2021)

2020 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари яқинлашаётган демографик ва иқтисодий инқирозни паст туғилиш, қариётган аҳоли ва қисқараётган меҳнат кучини яққол кўрсатиб берди. 2021 йил май ойидан бошлаб барча турмуш қурган жуфтликларга учта фарзанд кўришига рухсат берилди ва 2021 йил август ойида бу расман қонунийлаштирилди[15]. Аммо 2016 йилдаги икки фарзанд сиёсатининг таҳлили шуни кўрсатдики, бу ислоҳот 2016 ва 2017 йилларда туғилишни қисқа вақт ошириш билан чекланди, кейин кўрсаткичлар олдинги даражага тушиб қолди, бу демографик сиёсатда чеклов бекор қилишнинг ўзи туғилишни доимий ошира олмаслигини кўрсатди.

Учинчи давр: “Уч фарзанд” ва пронаталистик чоралар мажмуи

“RAND Corporation”нинг 2025 йилги тадқиқоти Хитойнинг 2015 йилдан 2025 йилгача демографик инқирозга нисбатан сиёсий чораларини баҳолаб, пронаталистик сиёсатлар туғилишни камайишини тўхтатмаганини ва давлат томонидан бошқариладиган аралашувнинг оилавий қарор қабул қилишдаги чекланган имкониятларини кўрсатганини таъкидлади.

[12] One-child policy https://en.wikipedia.org/wiki/One-child_policy мурожаат санаси: 24.03.2026 йил
[13] One-child policy https://en.wikipedia.org/wiki/One-child_policy мурожаат санаси: 24.03.2026 йил
[14] From one-child policy to three-children initiative: a feminist critique of the population planning policies in China https://academic.oup.com/ccc/article/17/2/103/7685589?login=false мурожаат санаси: 24.03.2026 йил
[15] Consequences of China’s one-child policy https://www.britannica.com/topic/one-child-policy/Consequences-of-Chinas-one-child-policy мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

Молиявий рағбатлар тизими ҳам марказий, ҳам маҳаллий даражада жорий этилди. 2017 йилдан бошлаб Хитойнинг минтақавий ҳукуматлари туғилишни рағбатлантириш мақсадида солиқларни камайтириш, болалар боғчасига субсидиялар бериш, ота-оналар учун пул тўланадиган таътилни узайтириш каби имтиёзли чораларни амалга ошира бошлади. 2023 йилдан бошлаб марказий ҳукумат бирлаштирилган болалар боғчаси хизматларини ривожлантириш учун жами 3 миллиард юань ажратди, ишловчи ота-оналар ва уларга иш берувчилар учун даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва мол-мулк солиғи бўйича имтиёзлар белгиланди, болаларга эга оилаларга арзон уй-жой харид қилишда субсидиялар берилди[16].

Тизимли муаммолар ва чекловлар

Туғилиш тенденцияси даражасини тушунтиришда шуни эслатиб ўтиш жоизки, йиллик туғилишлар сони 2016 йилдаги 18,83 миллиондан 2023 йилдаги 9,02 миллионга тушди, яъни сиёсий чекловлар бекор қилингач ўн йилдан ортиқ вақт ичида туғилишлар деярли икки баробарга камайди[17].

2024 йилда никоҳ сонининг тарихдаги энг паст кўрсаткичи 6,1 миллион, олдинги йилга нисбатан 20,5% камайиш қайд этилди, бу эса Хитойдаги демографик инқирозда молиявий харажатлардан кўра чуқурроқ маданий ва ижтимоий ўзгаришлар асосий роль ўйнаётганини кўрсатди[18].

ХУЛОСА

Япония ва Хитой тажрибаларининг қиёсий таҳлили демографик жараёнларни бошқаришда бир қатор универсал қонуниятларни очиб беради.

Биринчидан, молиявий рағбатлар ёлғиз ўзи туғилишни барқарор ошира олмайди. Япония ЯИМнинг тахминан 1 фоизини сарфлаб, туғилиш коэффициентида атиги 0,05-0,1 фоизлик ўсишни кутмоқда. Хитой эса пронаталистик чоралар жорий этилганидан кейин ҳам йиллик туғилишлар деярли икки баробарга камайишига гувоҳ бўлди. Бу иккала ҳолат ҳам молиявий рағбатнинг туғилишга таъсири чекланганлигини кўрсатади.

Иккинчидан, болалар боғчаси инфратузилмасини кенгайтириш туғилишни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали чораси ҳисобланади. ХВФнинг таҳлили шуни тасдиқлайдики, 0-2 ёшли болалар учун боғча хизматларига инвестиция пул нафақаларидан кўра юқорироқ демографик самара беради. Ўзбекистон учун ҳам болалар боғчасига эришимни кенгайтириш, айниқса қишлоқ ҳудудларда, устувор йўналиш бўлиши лозим.

Учинчидан, идоравий тарқоқлик демографик сиёсатни самарасизлаштиради. Японияда болалар ва оила сиёсати ваколатларининг турли вазирликлар ўртасида тарқоқлиги туфайли ягона мувофиқлаштирилган сиёсатни амалга ошириш мумкин бўлмаган. 2023 йилда “Болалар ва оилалар агентлиги”нинг ташкил этилиши ушбу муаммога институционал ечим сифатида баҳоланади. Ўзбекистонда ҳам демографик жараёнларга таъсир этувчи барча ваколатларнинг мувофиқлаштирилган идоравий тизим доирасида бирлаштирилиши зарур.

Тўртинчидан, маъмурий мажбурлашга асосланган демографик аралашув узоқ муддатда оғир оқибатлар келтиради. Хитойнинг “Бир оила – бир фарзанд” сиёсати

[16] SCIO briefing on China's childcare subsidy system and fertility support measures http://english.scio.gov.cn/pressroom/node_9016780.html мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[17] How can China tackle its declining fertility rate? https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11359724/ мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

[18] When giving birth is a national duty: Beijing’s struggle to reverse demographic decline https://merics.org/en/report/when-giving-birth-national-duty-beijings-struggle-reverse-demographic-decline мурожаат санаси: 24.03.2026 йил

туғилиш кўрсаткичини пасайтириш мақсадига эришган бўлса-да, жинслар ўртасидаги 30 миллионлик тенгсизлик, мажбурий аборт ва кейинги демографик инқироз каби оғир ижтимоий оқибатларни юзага келтирди. Демографик жараёнларни бошқаришда эркин ва онгли хулқ-атворни қўллаб-қувватлаш маъмурий мажбурлашдан доимо устун туради.

1. Analyzing Japan’s Ongoing Demographic Crisis: Record Population Decline and Bold Policy Responses https://seo.goover.ai/report/202505/go-public-report-en-02de8210-1584-4709-8395-589840e5624a-0-0.html
2. Japan’s Fertility Rate Drops to New Record Low https://www.nippon.com/en/japan-data/h02015/
3. Funding the Policies to Boost Japan’s Birthrate https://www.tokyofoundation.org/research/detail.php?id=958
4. Addressing demographic headwinds in Japan: A longterm perspective. https://www.oecd.org/content/dam/oecd/en/publications/reports/2024/04/addressing-demographic-headwinds-in-japan-a-long-term-perspective_85b9a67f/96648955-en.pdf
5. Mechanisms of Japan’s Population Decline Unstoppable despite Countermeasures for Declining Birthrate. https://english-meiji.net/articles/4502/
6. Japan’s Fertility: More Children Please. https://www.elibrary.imf.org/view/journals/002/2024/119/article-A002-en.xml
7. Evaluation of planned number of children, the well-being of the couple and associated factors in a prospective cohort in Yokohama (HAMA study): study protocol https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10900370/
8. Policy-Oriented Understanding of Low Births: Why Cash Support Isn't Enough to Fix Japan's Low Birth Rate. https://www.scientificarchives.com/article/policy-oriented-understanding-of-low-births-why-cash-support-isnt-enough-to-fix-japans-low-birth-rate
9. Understanding Japan’s Demographic ‘Crisis’: An Alternative Perspective on Population Decline. https://earth.org/understanding-japans-demographic-crisis-an-alternative-perspective-on-population-decline/
10. Policies supporting children and child-rearing. https://japan.kantei.go.jp/ongoingtopics/policies_kishida/childsupport.html
11. Japan’s Demographic Dilemma: Navigating the Postpandemic Population Decline. https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11301048/
12. One-child policy https://en.wikipedia.org/wiki/One-child_policy
13. From one-child policy to three-children initiative: a feminist critique of the population planning policies in China https://academic.oup.com/ccc/article/17/2/103/7685589?login=false
14. Consequences of China’s one-child policy https://www.britannica.com/topic/one-child-policy/Consequences-of-Chinas-one-child-policy
15. SCIO briefing on China's childcare subsidy system and fertility support measures http://english.scio.gov.cn/pressroom/node_9016780.html
16. How can China tackle its declining fertility rate? https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC11359724/
17. When giving birth is a national duty: Beijing’s struggle to reverse demographic decline https://merics.org/en/report/when-giving-birth-national-duty-beijings-struggle-reverse-demographic-decline